



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

QARORI

„ 20 „ May 20 21 y

Yaypan shahri 371 sonli

Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон кишлоғида яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 20 ва 64-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон кишлоғида яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 2021 йил 5 апрелдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рахимов Бурхонжонга Яйпан шаҳар С.Азизов ММТП ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 1363-контурдаги 50,0 кв.м. ер майдонига “Ер кодекси”нинг 20-моддасига асосан вақтинчалик, яъни 10 йил муддатга ва белгиланган тартибда туман ҳокимлиги билан ижара шартномаси тузгани ҳолда металл конструкциядан “Эко бозор” ўрнатиб, фойдаланишга рухсат этилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчисига:

-мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда фуқаро Рахимов Бурхонжон ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

4. Фуқаро Рахимов Бурхонжонга вақтинчалик металл конструкциядан “Эко бозор” ўрнатилишини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талабларига асосан олиб бориш топширилсин ва ўрнатишга рухсат этилган ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлганда ўз ҳисобидан зудлик билан ер майдонини бўшатиши зарурлиги эслатиб ўтилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш. Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМАСИ

05 апрел 2021 йил

Яйпан шаҳар

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

Ш.Исмоилов - туман ҳокими ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари:

А.Ражабов - Кадастр агенлиги Ўзбекистон тумани филиали бошлиғи

Комиссия котиби:

О.Ваҳобов - туман қурилиш бўлими бошлиғи:

Комиссия аъзолари:

- Ғ.Ҳамрақулов - Экология ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон тумани инспекцияси бошлиғи
- А.Сулаймонов - туман санитария эпидимиология осойишталиги маркази бош врачлари
- Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи
- Д.Раҳмонов - туман ФВБ бўлими бошлиғи
- Э.Раҳимов - «Яйпангаз» идораси бошлиғи
- М.Мирзараҳимов - Туман ичимлик сув таъминоти бошлиғи
- Р.Маҳмудов - Туман алоқа бўлими бошлиғи
- Б.Раҳимов - фуқаро

Шу куни Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжоннинг туман ҳокимлигида 22.01.2021 йилда № 150-сон билан қайд этилган Олмазор МФЙ ҳудудида «Эко бозор» ўрнатиш учун рухсат беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқдик.

Ўрганиш давомида Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон қишлоғида яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжон аризасида қўрсатган ер майдони С.Азизов ММТП ҳудудида жойлашган балл бонитети баҳоланмаган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ҳудуд харитасининг 1363-контуридаги 50,00 кв.м. ер майдони бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6, 20 ва 64 –моддаларига асосан ушбу ер майдонига вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун ажратиб беришни мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб туман комиссияси С.Азизов ММТП ҳудудида жойлашган балл бонитети баҳоланмаган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 50,00 кв.м. ер майдонидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун танлаш ва ажратилишини

маъкуллайдилар ва ушбу далолатномани тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»га асосланиб туман хокимига хавола этадилар.

Танланган жой архитектура, санитария-гигиена ва ёнғинни олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли қарори талабларига тўлиқ мос келишлигини аниқладик.

Қирқкетмон МФЙ Қирқкетмон киншогилда яшовчи фуқаро Рахимов Бурхонжонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил тилдаги конструкциялардан «Эко бозор» ўрнатиш учун ажратиладиган ер майдони чегаралари:

- Шимолдан- Нотурар бино
- Шарқдан - бўш
- Ғарбдан - бўш ер
- Жанубдан- Қўкон-Яйпан йўли билан чегарадош.

Рельефи текисликдан иборат бўлиб санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш талабларига мос келади.

Зилзила бардошлилиги 8-9 балл.

Далолатномага ажратилаётган ер майдонининг харитадан кўчирмаси илова қилинади.

Комиссия раиси

Ш.Исмоилов

Комиссия раиси узинбосари

А.Ражабов

Комиссия котиби

О.Вахобов

Комиссия аъзолари

Ғ.Хамракулов

А.Сулаймонов

У.елисв

Д.Рахронов

Э.Рахимов

М.Мирзарахимов

Р.Махмуров

Б.Рахимов